# TARBIYACHINING INNOVATSION VA KREATIV FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISH
Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn anjumani

# ЦИФРОВИЗАЦИЯ ИННОВАЦИОННОЙ И ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГОВ-ВОСПИТАТЕЛЕЙ
Международная научно-практическая онлайн конференция

# DIGITALIZATION OF INNOVATIVE AND CREATIVE ACTIVITIES OF EDUCATORS
International scientific and practical online conference




ANDIJON - 2022

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**OLIY VA O`RTA MAXSUS TA`LIM VAZIRLIGI**

**ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

**MAKTABGACHA TA`LIM FAKULTETI**

**MAKTABGACHA TA`LIM METODIKASI KAFEDRASI**

# TARBIYACHINING INNOVATSION VA KREATIV FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISH

**Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari**

# TO`PLAMI

**Andijon – 2022**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 258. | Ф.М.Топилова, Г.А.Юлдашева | Формирование и развитие цифровой компетентности при обучении биологии | 542 |
| 259. | Кадирова Сурмахон | Бошланғич таълим ўқитувчиларининг педагогик психологик аспектлари | 543 |
| 260. | Xodjayeva Saida | Maktabgacha ta'lim tashkilotida tabiat burchagidagi ishlarni tashkil qilish | 545 |
| 261. | Obidova Nargiza | Ta'lim-tarbiya metodlarining mazmuni | 546 |
| 262. | Qodirova Gulnora | Bo'lajak tarbiyachilarni kreativ yondashuvlar asosida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil qilish | 548 |
| 263. | С.О.Рўзиматова | Жисмоний ривожланишда ҳаракатли ўйинларнинг ўрни | 550 |
| 264. | Н.Б. Адилова | Тарбия масаласи мутафаккирлар талқинида | 552 |
| 265. | Н.Б. Адилова | Тарбиянинг миллий ва умуминсоний қадриятлар қамровида бўлиши | 554 |
| 266. | A.E. Sheraliyeva | Maktabgacha ta'limda didaktik vositalarning o'rni | 556 |
| 267. | Д.Э.Камалова | Общая структура фонетики и фонологии | 558 |
| 268. | F.Kiyikboyev, O.Tashmatova | Anvar Obidjon va o`zbek bolalar sh`eriyati | 559 |
| 269. | Нажметдинова Нигора Иркиновна | Теоретические основы организации интегрированных музыкальных занятий в дошкольных образовательных организациях | 562 |
| 270. | M.A.Teshaboyeva | Bola rivojlanishida oilaning o'rni | 564 |
| 271. | B.T.Teshaboyeva | Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'limni tashkil etishning zamonaviy asoslari | 567 |
| 272. | A.Isroilov | Maktabgacha ta'limda musiqa mashg'ulotlarini tashkil etishning nazariy asoslari | 569 |
| 273. | X. Mirzayev | Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolada mehnat ko'nikmalarining shakllanish omillari | 572 |
| 274. | Ro'zimatova Saidaxon Ozodbek qizi | Harakatli o'yinlar-maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy rivojlanish omili sifatida | 573 |
| 275. | Parmonova Sarvinoz Qobiljon qizi | Badiiy asarlarni sahnalashtirishning o'ziga xos xususiyatlari | 575 |
| 276. | Ilhom Qo'shaev | Milliy musiqa an'analaridan foydalanishning pedagogik masalalari | 576 |
| 277. | I.F.Qayumov | O'zbek xalq cholg'ulari tarixidan | 577 |
| 278. | И.И.Ахтамов | Мақом санъати таълимининг ҳозирги ҳолати | 579 |
| 279. | Xasanova Nozimaxon Qo'chqarovna | Nutq madaniyatining shakllanishi va rivojlanish konsepsiyasi | 581 |
| 280. | Saydullayeva Barchinoy Abduxalil qizi | Maktabgacha ta'limda bolalarni axloqiy tarbiyalashda badiiy adabiyotning o'rni | 582 |
| 281. | U.R.Axunov G.A.Ne'matjonova | Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishda o'yinlarning ahamiyati | 584 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 258. | Ф.М.Топилова, Г.А.Юлдашева | Формирование и развитие цифровой компетентности при обучении биологии | 542 |
| 259. | Кадирова Сурмахон | Бошланғич таълим ўқитувчиларининг педагогик психологик аспектлари | 543 |
| 260. | Xodjayeva Saida | Maktabgacha ta'lim tashkilotida tabiat burchagidagi ishlarni tashkil qilish | 545 |
| 261. | Obidova Nargiza | Ta'lim-tarbiya metodlarining mazmuni | 546 |
| 262. | Qodirova Gulnora | Bo'lajak tarbiyachilarni kreativ yondashuvlar asosida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil qilish | 548 |
| 263. | С.О.Рўзиматова | Жисмоний ривожланишда ҳаракатли ўйинларнинг ўрни | 550 |
| 264. | Н.Б. Адилова | Тарбия масаласи мутафаккирлар талқинида | 552 |
| 265. | Н.Б. Адилова | Тарбиянинг миллий ва умуминсоний қадриятлар қамровида бўлиши | 554 |
| 266. | A.E. Sheraliyeva | Maktabgacha ta'limda didaktik vositalarning o'rni | 556 |
| 267. | Д.Э.Камалова | Общая структура фонетики и фонологии | 558 |
| 268. | F.Kiyikboyev, O.Tashmatova | Anvar Obidjon va o`zbek bolalar sh`eriyati | 559 |
| 269. | Нажметдинова Нигора Иркиновна | Теоретические основы организации интегрированных музыкальных занятий в дошкольных образовательных организациях | 562 |
| 270. | M.A.Teshaboyeva | Bola rivojlanishida oilaning o'rni | 564 |
| 271. | B.T.Teshaboyeva | Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'limni tashkil etishning zamonaviy asoslari | 567 |
| 272. | A.Isroilov | Maktabgacha ta'limda musiqa mashg'ulotlarini tashkil etishning nazariy asoslari | 569 |
| 273. | X. Mirzayev | Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolada mehnat ko'nikmalarining shakllanish omillari | 572 |
| 274. | Ro'zimatova Saidaxon Ozodbek qizi | Harakatli o'yinlar-maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy rivojlanish omili sifatida | 573 |
| 275. | Parmonova Sarvinoz Qobiljon qizi | Badiiy asarlarni sahnalashtirishning o'ziga xos xususiyatlari | 575 |
| 276. | Ilhom Qo'shaev | Milliy musiqa an'analaridan foydalanishning pedagogik masalalari | 576 |
| 277. | I.F.Qayumov | O'zbek xalq cholg'ulari tarixidan | 577 |
| 278. | И.И.Ахтамов | Мақом санъати таълимининг ҳозирги ҳолати | 579 |
| 279. | Xasanova Nozimaxon Qo'chqarovna | Nutq madaniyatining shakllanishi va rivojlanish konsepsiyasi | 581 |
| 280. | Saydullayeva Barchinoy Abduxalil qizi | Maktabgacha ta'limda bolalarni axloqiy tarbiyalashda badiiy adabiyotning o'rni | 582 |
| 281. | U.R.Axunov G.A.Ne'matjonova | Maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishda o'yinlarning ahamiyati | 584 |

3.Axmedov M. Yunus Rajabiy. T., 1980.
4. Vizgo T.S. Muzikalniye instrumenti Sredniy Azii. M., - 1980.
5. Do‘stov S. Cholg‘u ijrochiligi va ansambli. O‘quv qo‘llanma. – Buxoro: "Durdona", 2019. - 260 b.
6. Smenov A. Sredneaziatskiy traktat po muzike Dervish Ali (XVII veka), 1964.
7. Mansurov A. Cholg‘ulashtirish bo‘yicha amaliy namunalar va mashqlar. Oliy ta’lim muassasalari uchun o‘quv qo‘llanma nashriyoti. – T., 2007.

## МАҚОМ САНЪАТИ ТАЪЛИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

**И.И.Ахтамов**
**БухДУ мусиқа таълими кафедраси**
**ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мақолада мақом ва бошқа анъанавий касбий мусиқа намуналарини ўрганишда овоз хусусиятлари, куйлаш органлари фаолияти, мутация (балоғат) даври хусусияти ва овозни асраш ҳамда тарбия қилишнинг психологик хусусиятлари ва мақом санъати орқали ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** анъанавий касбий мусиқий мерос, миллий мақом санъати туркумлари, Бухоро Шашмақоми, хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, мақомга асосланган дидактик қўшиқлар, "Мушкилот", "Наср" .

Миллий маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбек мақом санъати асрлар оша авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, сайқал топиб келмоқда. Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан таркиб топган ва мақомларимизнинг гултожи ҳисобланган "Шашмақом" ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тан олиниб, унинг репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрда эълон қилинган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ҳозирга қадар бир оз қувватсизланиб бораётган, аслида, мумтоз мусиқа санъатимизнинг юксак авжи саналган мақом санъати том маънода ўзининг янги эътиборли замондаги иккинчи энг баланд авжини бошлади.

Қарорда ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мақом санъатини ўрганиш, ривожлантириш, нота ва магнит тасмаларига ёзиб олиш ҳамда уларни грампластинкалар шаклида тайёрлаб оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилган. Шунинг билан бирга, "Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти" деган танқидий хулосадан келиб чиқиб, бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар кўрсатилган эди.

Қарор эълон қилингандан кейинги давр давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва бошчилигида 2018 йил 6-10 сентябрь кунлари гўзал Шаҳрисабз заминида илк бор катта мувофақият билан Халқаро мақом санъати ажумани ўтказилди, ҳозирги кунларда иккинчи анжуманга тайёргарлик кўрилмокда Республика маркази ва вилоятларда "Мақом маказлари" ( мақом ансамбллари ташкил этилди), Тошкентда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусқа санъати институти очилди, вилоятларда мақом санъати мактаблари ташкил топди, Республика ОТМ лари мусмқа таълими кафедраларида мақом санъати асослари бўйича дарс соатлари ажратилди, оммавий ахборот воситалари орқали мақом ва анъанавий касбий мусиқанинг бошқа жанрларини тарғиб қилиш ишларига эътибор кучая бошлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек "Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб булмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санътини билишимиз, ўрганишимиз керак.

**Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.**

**Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур".** Бу талаб ва вазифаларни қалби ва виждони пок, эътиқод ва эътиборли, талабчан, ўз касбу-корини пухта биладиган, ижодкор фидойи раҳбар ва ходимлар бажаришлари мумкин.

Узлуксиз мусиқа таълими тизимида, аввало, аксарият болалар ўқийдиган мактабгача ва ҳамма болалар ўқийдиган мактаб мусиқа дарс машғулотларида, синфдан ва мактабдан ташқари қўшимча таълим мусиқа тўгаракларида халқ мусиқа санъати ва хусусан мақом намуналарини замонавий талаблар асосида ўрганиш учун аввало етарли касбий тайёргарликка эга бўлган устоз, жиҳозланган мусиқа хонаси, яроқли чолғу асбоблари, аудио ва видео ёзувлар фонотекаси ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган техника воситалари, ўқув қуроллари ва адабиётлари каби шарт-шароитлар бўлиши зарур.

Мусиқа машғулотларида ўқувчиларни мақом каби анъанавий касбий мусиқий мерос намуналари билан ошно қилишнинг ҳозирги ҳолатини кузатиш, ютуқ, камчилик, муаммо ва ечимларни мулоқот ва суҳбатлар орқали аниқлаб хулоса чиқариш асосида жойларда амалий ва усулий ёрдам кўрсатишга имкон даражасида бирмунча ҳаракат қилдик. Аммо, ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган "оммавий маданият", шоу бизнесининг салбий таъсири тезкор босим билан жадал ривожланиб, тобора кучайиб бораяпти. Ўзбек миллий мусиқа мероси қадри асрларга тенг бўлган санъат асарларини ўз ичига олади. Мақом санъати эса – аждодларимиз оғзаки анъанадаги устоз-шогирд таълими воситасида куйлаб, чолғуларда чалиб, кейинги авлодларга етказган маданият бўлагидир. мақомларнинг мазмун моҳияти, тингловчига етказадиган кучли туйғули таъсири инсон қалбини ёшартириб, руҳини поклайди. Бундай мураккаб шароитда устозлар шогирдларни мақом каби мумтоз мусиқа намуналари билан мунтазам ошно қилиб боришса, шогирдларда енгил-елпи, бачкана "қўшиқ"лардан таркиб топган "оммавий маданият" таъсирига қарши мусиқий иммунитет ҳосил қилган бўлишади. Бу эса уларни замонавий салбий мусиқий таъсирлардан бирмунча асраб қолган бўлади.

**Мақом санъати таълимини янада яхшилаш бўйича таклифлр:**

1. Умумий ўрта мактаб мусиқа дарслари ва синфдан ташқари ишлар жараёнига илмий асосда танланган мақом намуналарини киритиш;

2. ОТМ мусиқа кафедрасидаги амалий ижро фанларини олдинги ҳолатида тиклаб, уларга мақом чолғу ва ашула шўъбаларидан намуналар киритиш;

3. Мусиқа ўқитувчилари тайёрлаш дастурига мусиқий фольклор, мақом, достон, мумтоз куй ва ашула ҳамда катта ашула жанрларини киритиш; 4. Кўрсатиб ўтилган жанрлар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар тузиш;

5. Мақом санъати дарслари ва ўқитувчилар тайёрлаш сифатини ошириш;

## АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 17-ноябрдаги қарори – Бухоро: Бухоронома 2017- йил. 25-ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқи. – Қашқадарё: 2018. 8-сентябрь.

3. Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Санъат, 2006.- б. 148 – 165.

4.Ражабов Исъҳоқ. Мақом асослари (Р.Юнусов таҳрири остида).– Т., 1992.

5. Иброҳимов О., Садиров Ж. Мусиқа. 7-синф учун дарслик.- Т.: Ғ.Ғулом, 2001. б. Иброҳимов О. Мақом ва макон. – Т., 1996.

7. Ражабов И., Кароматов Ф. Шашмақом. 1 том. Бузрук. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1996.